


I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 13877,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 3,2 %га ўсди. ЯҲМ дефлятор индекси 2017 йилдаги нархларга нисбатан 136,9 % ташкил қилди.

2018 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ нинг аҳоли жон бошига 4837,3 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 2,0%га ўсди.

2018 йил январь-июнь ойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Ҳудуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 101,0 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 18,7 %), саноат – 105,3 % (47,9 %), қурилиш – 106,2 % (3,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 102,0 % (6,8 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 104,5 % (14,3 %) ни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби


	<i>млрд.сўм</i>		<i>2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил</i>	<i>2018 йил</i>	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	9917,9	13877,7	103,2
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9179,6	12832,7	103,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	738,3	1045,0	104,1
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9179,6	12832,7	103,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1863,4	2395,5	101,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3964,7	6556,8	105,4
саноат	3642,8	6145,3	105,3
қурилиш	321,9	411,5	106,2
Хизматлар	3351,5	3880,3	101,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1015,9	1167,6	97,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	844,5	878,4	102,0
бошқа хизматлари	1491,1	1834,3	104,5

Январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби

2017 йил январь-июнь



2018 йил январь-июнь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Юқорида келтирилган диаграммада бирламчи секторнинг (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги) ЯҲМ таркибидаги улуши 2017 йил январь-июндаги 20,3% дан 2018 йил январь-июнда 18,7% га камайганлигини кўриш мумкин. Иккиламчи секторнинг (саноат ва қурилиш) улуши 43,2% дан 51,1%га ошди, учламчи сектор (хизматлар соҳаси)нинг ЯҲМ таркибидаги улуши эса 36,5% дан 30,2%га камайди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 47,4% кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2017 йил январь-июнда 56,1% ташкил қилган.

2018 йил январь-июнь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 30,2% (2017 йил январь-июнда 36,5%)ни ташкил қилган.